

Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олишни ривожланиши

2024 йил учун

- I. Кирувчи ва чиқувчи туризм
- II. Туристик фирма ва ташкилотларнинг фаолияти
- III. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг фаолияти
- IV. Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг фаолияти
- V. Индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситаларининг фаолияти
- VI. Туризм ва дам олишни ривожланишининг кўрсаткичларига доир услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Кирувчи ва чиқувчи туризм

Кирувчи туризм – кўриладиган мамлакат доимий яшовчиси бўлмаган ташриф буюрувчининг кирувчи сайёҳлик сафари вақтида ушбу мамлакат доирасидаги фаолиятини ўз ичига олади. У кўплаб мамлакатлар ва ҳудудлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, шунингдек, иқтисодий ва туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Чиқувчи туризм – кўриладиган мамлакат доимий яшовчиси бўлган ташриф буюрувчининг ушбу мамлакат доирасидан ташқарига чиқувчи ёки ички сайёҳлик сафарига доир фаолиятини ўз ичига олади.

Туристик сафарлар сони ¹⁾
(тегишли йил учун, минг сафар)



2024 йилда республикага туристик мақсадларда келган хорижий давлатлар фуқароларининг умумий сафарлари сони **7 957,2 мингтани** ташкил этган ва 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **20,1 % га** ошган. Хорижий давлатларга туристик мақсадларда чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий сафарлари сони эса **6 183,8 мингтани** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **29,2 % га** ортган.

¹⁾ Ҳисобга сафарлар сони олинади, чунки республикага кириб келган ёки республикадан кетган бир киши бир неча маротаба қайд этилган бўлиши мумкин ва бу алоҳида бир ҳолат сифатида кўрилади.

Туристик сафарлар сонини мақсадлар бўйича тақсимланиши
(2024 йил учун, минг сафар)

Туристик сафарларнинг мақсадлари	Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқароларининг туристик сафарлари сони		Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг туристик сафарлари сони	
	жами	жамига нисбатан % даги улуши	жами	жамига нисбатан % даги улуши
Жами	7 957,2	100	6 183,8	100
<i>шундан:</i>				
Хизмат сафари	338,5	4,3	13,7	0,2
Ўқиш	25,1	0,3	35,9	0,6
Бўш вақт ва дам олиш	1 184,4	14,9	949,4	15,3
Қариндошларни йўқлаш	6 105,3	76,7	5 123,9	82,9
Даволаниш	104,9	1,3	60,9	1,0
Тижорат	199,0	2,5	-	-

Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқароларининг туристик сафарлари сони \(жами\)](#)

[Чет эл фуқароларининг туристик сафарлари сонини давлатлар кесимида тақсимланиши](#)

[Чет эл фуқароларининг хизмат мақсадида амалга оширилган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг ўқиш мақсадида амалга оширилган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш мақсадида амалга оширилган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг қариндошларини йўқлаш мақсадида амалга оширилган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг даволаниш мақсадида амалга оширилган туристик сафарлари сони](#)

[Чет эл фуқароларининг тижорат мақсадида амалга оширилган туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг туристик сафарлари сони \(жами\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг туристик сафарлари сонини давлатлар кесимида тақсимланиши](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хизмат сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўқиш мақсадидаги туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бўш вақтини ўтказиш ва дам олиш мақсадидаги туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қариндошларини йўқлаш мақсадидаги туристик сафарлари сони](#)

[Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг даволаниш мақсадидаги туристик сафарлари сони](#)

II. Туристик фирма ва ташкилотларнинг фаолияти

2024 йилда Ўзбекистон Республикасида **743 та** туристик фирма ва ташкилотлар фаолият юритиб, улар **1 972,9 минг кишига**¹⁾ хизмат кўрсатганлар ва жами **601,5 мингта** сайёҳлик йўлланмаларини сотганлар. 2023 йилга нисбатан эса асосий кўрсаткичларнинг ўсиши кузатилган: туристик фирма ва ташкилотлар сони – **150 тага**, яъни **25,3 % га**, улар томонидан хизмат кўрсатилган шахслар сони – **815,8 мингтага**, яъни **70,5 % га**, сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони эса **339,1 мингтага**, яъни **2,3 баробарга** ошган.

¹⁾ Фақат виза, чет эл паспортини расмийлаштириш, меҳмонхонада жой банд қилиш ва шунга ўхшаш хизматлар кўрсатилган фуқароларни қўшган ҳолда.

Туристик фирма ва ташкилотлар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (тегишли йил учун)



Туристик фирма ва ташкилотлар фаолияти кўрсаткичларини худудлар кесимида тақсимланиши (2024 йил учун)

	Туристик фирма ва ташкилотлар сони		Хизмат кўрсатилган шахслар сони		Сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони	
	Жами (бирлик)	жамига нисбатан % даги улуши	Жами (минг киши)	жамига нисбатан % даги улуши	Жами (минг бирлик)	жамига нисбатан % даги улуши
Ўзбекистон Респ.	743	100	1 972,9	100	601,5	100
Қорақалпоғистон Респ.	9	1,2	18,3	0,9	17,9	3,0
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	16	2,1	0,7	0,1	1,3	0,2
Бухоро	44	5,9	66,1	3,4	48,7	8,1
Жиззах	16	2,1	30,1	1,5	10,5	1,7
Қашқадарё	9	1,2	8,6	0,4	6,4	1,1
Навоий	28	3,8	17,0	0,9	0,1	0,0
Наманган	8	1,1	2,6	0,1	1,9	0,3
Самарқанд	144	19,4	61,7	3,1	71,7	11,9
Сурхондарё	14	1,9	1,8	0,1	1,8	0,3
Сирдарё	2	0,3	2,0	0,1	2,0	0,3
Тошкент	16	2,1	2,1	0,1	5,1	0,9
Фарғона	19	2,6	11,9	0,6	12,0	2,0
Хоразм	28	3,8	497,5	25,2	43,2	7,2
Тошкент ш.	390	52,5	1 252,5	63,5	378,9	63,0

Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган туристик фирма ва ташкилотлар сони](#)

[Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатилган шахслар сони](#)


[Туристик фирма ва ташкилотлар томонидан сотилган сайёҳлик йўлланмалари сони](#)

III. Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг фаолияти

2024 йилда республика ҳудудида **2 383 та** меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг объектлари фаолият юритиб, уларда **38 075 та** номер (хона)лар, **79 469 та** жойлар мавжуд бўлган ва **2 864,3 минг киши** жойлаштирилган. 2023 йилга нисбатан меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг объектлари сони **996 тага**, яъни **71,8 % га**, номер фонди **3 759 тага (11,0 % га)**, жойларлар сони **9 764 тага (14,0 % га)**, жойлаштирилган шахслар сони эса **340,0 минг кишига**, яъни **13,5 % га** ошган.

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (тегишли йил учун)

Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш
воситаларининг объектлари сони
(бирлик)




Жойлаштирилган шахслар сони
(минг киши)



Номерлар (хоналар) сони
(бирлик)



Жойлар сони
(бирлик)




Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари фаолияти кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2024 йил учун)

	Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг объектлари сони (бирлик)	Жойлаштирилган шахслар сони (минг киши)	Номерлар (хоналар) сони (бирлик)	Жойлар сони (бирлик)
Ўзбекистон Респ.	2 383	2 864,3	38 075	79 469
Қорақалпоғистон Респ.	52	38,4	691	1 579
вилоятлар:				
Андижон	68	76,9	1 263	2 456
Бухоро	250	267,2	3 980	8 423
Жиззах	47	66,3	689	1 544
Қашқадарё	79	71,3	1 207	2 366
Навоий	36	48,3	1 119	1 978
Наманган	44	66,4	809	1 449
Самарқанд	361	428,4	6 603	13 827
Сурхондарё	80	91,6	1 260	2 464
Сирдарё	26	33,8	396	731
Тошкент	116	150,2	1 865	3 928
Фарғона	280	81,2	1 541	5 421
Хоразм	100	177,2	2 441	4 955
Тошкент ш.	844	1 267,1	14 211	28 348

IV. Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг фаолияти

2024 йилда Ўзбекистон Республикасида **651 та** ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг объектлари фаолият юритиб, уларда **15 675 та** номер (хона)лар ва **53 701 та** жойлар мавжуд бўлган. Ҳисобот даврида ушбу воситаларга **792,5 минг киши** жойлаштирилган. 2023 йилга нисбатан ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг объектлари сони **60 тага**, яъни **10,2 % га** ошган, номер фонди эса **761 тага (4,6 % га)**, жойлар сони **4 075 тага (7,1 % га)**, жойлаштирилган шахслар сони **94,9 минг кишига**, яъни **10,7 % га** камайган.

Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(тегишли йил учун)




Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари фаолияти
кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил учун)

	Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг объектлари сони (бирлик)	Жойлаштирилган шахслар сони (минг киши)	Номерлар (хоналар) сони (бирлик)	Жойлар сони (бирлик)
Ўзбекистон Респ.	651	792,5	15 675	53 701
Қорақалпоғистон Респ.	18	14,4	426	1 636
вилоятлар:				
Андижон	38	19,5	542	2 171
Бухоро	7	13,0	342	791
Жиззах	30	38,5	726	1 801
Қашқадарё	78	30,1	982	7 963
Навоий	16	16,4	555	1 231
Наманган	48	88,8	1 646	4 077
Самарқанд	40	31,7	1 139	2 941
Сурхондарё	25	31,1	480	2 103
Сирдарё	3	1,3	9	28
Тошкент	160	312,6	4 948	14 508
Фарғона	52	97,4	1 728	4 768
Хоразм	36	23,9	547	2 902
Тошкент ш.	100	73,8	1 605	6 781

V. Индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситаларининг фаолияти

2024 йилда Ўзбекистон Республикасида **566 та** индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситаларининг объектлари фаолият юритиб, уларда **4 564 та** номер (хона)лар ва **12 511 та** жойлар мавжуд бўлган. Ҳисобот даврида ушбу воситаларга **605,0 минг киши** жойлаштирилган. 2023 йилга нисбатан индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситаларининг объектлари сони **148 тага**, яъни **35,4 % га**, номер фонди **620 тага (15,7 % га)**, жойлар сони **845 тага (7,2 % га)**, жойлаштирилган шахслар сони эса **41,7 минг кишига**, яъни **7,4 % га** кўпайган.

Индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(тегишли йил учун)



Индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситалари фаолияти
кўрсаткичларини ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил учун)

	Индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситаларининг объектлари сони (бирлик)	Жойлаштирилган шахслар сони (минг киши)	Номерлар (хоналар) сони (бирлик)	Жойлар сони (бирлик)
Ўзбекистон Респ.	566	605,0	4 564	12 511
Қорақалпоғистон Респ.	7	6,1	43	111
вилоятлар:				
Андижон	17	5,6	115	273
Бухоро	62	18,9	336	879
Жиззах	6	0,9	36	97
Қашқадарё	11	4,3	75	200
Навоий	40	24,5	288	891
Наманган	11	23,3	193	559
Самарқанд	78	23,4	444	1 086
Сурхондарё	7	2,1	93	711
Сирдарё	-	-	-	-
Тошкент	69	23,2	542	1 419
Фарғона	21	4,0	122	458
Хоразм	86	15,5	338	823
Тошкент ш.	151	4 53,2	1 939	5 004

Мавзу бўйича кўрсаткичлар:

[Жамоавий жойлаштириш воситаларининг объектлари сони](#)

[Жамоавий жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони](#)

[Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг объектлари сони](#)

[Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларидаги жойлар сони](#)

[Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар сони](#)

[Ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларининг объектлари сони](#)

VI. Туризм ва дам олишни ривожланишининг кўрсаткичларига доир услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Туризм статистикаси бўйича халқаро тавсиялар (ТСХТ – 2008)га мувофиқ, “туризм” тушунчаси ташриф буюрувчилар фаолиятига мансубдир.

Ташриф буюрувчи саёҳатчи тушунчасининг қуйи тоифаси, туризм эса саёҳат тушунчасининг қуйи тоифаси ҳисобланади. Туристик сафарни амалга ошираётган саёҳатчи ташриф буюрувчи деб аталади.

Кирувчи туристик сафар – ташриф буюрувчининг мамлакатга кириб келган пайтидан бошлаб, мамлакатдан чиқиб кетгунга қадар амалга оширган саёҳати.

Чиқувчи туристик сафар – ташриф буюрувчининг ўз доимий яшаш мамлакатидан чиқиб кетиш пайтидан бошлаб, унга қайтиб келгунга қадар амалга оширган саёҳати.

Жамоавий жойлаштириш воситаси (ЮНВТО терминологиясига мувофиқ) сайёҳларга доимий ёки вақт-вақти билан тунаб қолиш учун хона ёки бошқа биноларда жойлашиш имкониятини тақдим этадиган ҳар қандай объектни англатади, аммо ундаги номер (хона)лар сони ҳар бир давлат томонидан мустақил равишда белгиланган минимал даражадан ортиқ бўлиши керак. Шу билан бирга, жамоавий жойлаштириш воситасидаги барча номер (хона)лар ягона бошқарувга бўйсунishi (хатто фойда олиш мақсад қилинмаган бўлса ҳам), кўрсатиладиган хизматлар ва мавжуд жиҳозларга мувофиқ тоифа ва синфларга ажратилган бўлиши керак.

Жамоавий жойлаштириш воситаларига **меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари** (меҳмонхоналар, мотеллар, хостеллар ва меҳмонхона туридаги бошқа ташкилотлар), **ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари** (санатория-курорт ташкилотлари, соғломлаштириш ташкилотлари, дам олиш уйлари, пансионатлар, кемпинглар, дам олиш базалари, туристик базалар ва бошқа ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари), **индивидуал ва бошқа жойлаштириш воситалари** (меҳмон уйлари, дала ҳовлилари, ўтов лагерлари ва индивидуал жойлаштириш воситаларининг бошқа турлари).

Номер фонди – жойлаштириш воситасидаги умумий номер (хона)лар сони (яъни яшаш учун мўлжалланган турар жой хоналари). Вақтинча яшаш учун зарур бўлган мебел, жиҳоз ва инвентарлар билан жиҳозланган бир ёки бир нечта турар жой хоналари номер (хона) деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олишни ривожлантиришга оид статистик маълумотлар қуйидагилар асосида шакллантирилади:

➤ Туристик оқимлар ҳақидаги маъмурий маълумотлар (**чет элга кетган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш агентлиги томонидан, **Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган чет эл фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар** эса Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари томонидан тақдим этилади). Ушбу маълумотлар сафар мақсадлари ҳамда ташриф буюрувчиларнинг доимий яшаш мамлакатлари бўйича тақсимотни ўз ичига олади ва ҳар ойда Миллий статистика қўмитасига тақдим этилади;

➤ Йиллик статистика ҳисоботлари 1 turizm shakli “Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисидаги ҳисобот” ва 1 kb (tur) (1 kb shakliga ilova) “Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисидаги микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи”. Ушбу ҳисоботларни сайёҳлик-экскурсия ва жойлаштириш (жамоавий жойлаштириш воситалари) хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар, зарур ҳолатларда уларнинг алоҳида бўлинмалари тақдим этадилар. Ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш ва жойлаштириш тўғрисидаги статистика ҳисоботларида туристик фирма ва ташкилотлар (ходимлар, сотилган сайёҳлик йўлланмалар ва хизмат кўрсатилган шахслар сони ҳақида маълумотлар) ҳамда жамоавий жойлаштириш воситалари фаолияти (номер фонди, жойлаштирилган шахслар ва тунаб қолиш ҳолатлари сони), шунингдек, туризм ва дам олиш соҳасини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар акс эттирилади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади.

Туризм соҳасидаги статистик маълумотлар туристик соҳанинг ҳолатини баҳолашда, давлат сиёсатини шакллантиришда ва ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда, шунингдек, туристик оқимларни мониторинг қилиш ҳамда таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маълумотлар давлат органлари, бизнес ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга мамлакатда туризмни ривожлантириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича асосли қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фойдали ҳаволалар:

[Ўзбекистон Республикасининг Туризм тўғрисидаги Қонуни \(ЎРҚ-549-сон\) ТСХТ – 2008](#)

[Туризм статистикаси бўйича услубий Низом](#)

[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сектори статистикаси шакллантирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори \(263-сон\)](#)

[Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони \(ПФ-87-сон\)](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: 71-202-80-70 (71)

